

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 536-ҳадис

1035 ລ 1472 ລ ພັນຍາ ພົມວິດ.

1. Ҳаким ибн Хизом розияллоху анхудан ривоят килинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан (нарса) сўраган эдим, бердилар. Кейин яна сўраган эдим, яна бердилар. Кейин яна сўраган эдим, яна бердилар. Сўнгра: **«Эй Ҳаким! Албатта, бу мол-дунё барра ва тотлидир. Ким уни нафс тўқлиги билан олса, унга бунда барака берилади. Ким уни нафс очлиги билан олса, унга бунда барака берилмайди. Худди ебтўймасга ўхшаб қолади. Юқори қўл қўйи қўлдан яхшидир»**, дедилар. Шунда мен: «Эй Аллоҳнинг Расули, сизни ҳақ ила юборган Зотга қасамки, сиздан сўнг то дунёни тарк этгунимча ҳеч кимдан ҳеч нарса олмайман», дедим».

Абу Бакр розияллоху анху Ҳакимни ато\* бериш учун чақирап, у эса (атодан) бирон нарса қабул қилишга кўймас эди. Кейинроқ Умар ҳам уни ато бериш

учун чақирди, у яна қабул қилишга кўнмади. Шунда (Умар): «Эй мусулмонлар жамоаси! Мен ушбу файдан\* Аллоҳ унга ажратган ҳаққини тақлиф қиляпман, у эса олишга кўнмаяпти», деди.

Ҳаким Набий соллаллоҳу алайҳи вассалламдан кейин то вафот этгунича бирорта одамдан бирон нарса олмади».

*Муттрафақун алайҳ.*

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

